

Туркияда 600 йиллик тарихга эга ноёб масжид қайта тикланмоқда



17:20 / 22.04.2021 2133


ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Туркиянинг қадимий Бечин шаҳридаги 600 йиллик масжид қайта тикланмоқда.

Археологик гуруҳ раҳбари профессор Қодир Пектас мадраса (диний мактаб) ва ҳаммом билан қурилган мажмуадаги энг катта бино бўлган «Елли» масжидини қайта очишни режалаштираётганини айтди.

Пектаснинг сўзларига кўра, масжид нафақат қадимий шаҳарда, балки ўша пайтда бутун Онадўлида энг ажойиб иншоотлардан бири бўлган. Табиат ҳодисалари ва баъзи омиллар туфайли вақт ўтиши билан масжид қаровсиз, харобага айланган. Масжид «Маданият ва туризм вазирлигидан олган маблағ ҳисобига синчковлик билан қайта таъмирлаш ишлари давом

ЭТМОҚда.

Image not found or type unknown



«Қадимий мажмуани қайта тиклаш ишлари доирасида биз маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда асл нусхасига биноан масжиддаги ёриқлар меъморий усул билан таъмирланяпти», дейди Пектас. — Бино минтақадаги кучли zilzilаларга қарамай, даврнинг энг яхши меъморчилик обидалари билан боғлиқ.

Бечиндаги археологик қазилмалар 1972 йилдан бери мунтазам равишда олиб борилиб, 2000 йилда тангалар хазинаси топилган ва уларнинг 60 мингтаси Усманийлар даврига тегишли экани аниқланган.

Бу нафақат Туркияда археологик қазилмалар жараёнида топилган катта хазина, балки шу пайтгача топилган Усмонли тангалари бўлган энг катта

хазинадир.

Хуршид Маъруф тайёрлади.